

Тафтиш инстанциясида
маърузачи судья Ж.Уразбаев
№ 1-2316-2501/12

Биринчи инстанция судининг
судьяси Ш.Розимов
Кассация инстанцияси судида
маърузачи судья Д.Разов

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг
АЖРИМИ

2026 йил 06 апрель

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича
судлов ҳайъати қуйидаги таркибда,
раислик қилувчи – Ж.Уразбаев,
ҳайъат аъзолари – судьялар Х.Бердикличев ва П.Дошмуратов,
судья катта ёрдамчиси А.Абдреимовнинг котиблигида,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори
С.Бекмуратов ва А.Сейтовлар,
судланган ХХХХХнинг ҳимоячилари адвокат К.Раимбеков,
А.Барликбаев ва Н.Абдухафизовлар,
судланган ХХХХХнинг ҳимоячиси адвокат Н.Сапарниязов,
жабрланувчи ХХХХХнинг иштирокида,

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов
ҳайъати кассация инстанциясининг 2026 йил 21 январь кунги ХХХХХ ва
ХХХХХларга нисбатан чиқарилган ҳукми устидан судланган ХХХХХнинг
ҳимоячилари адвокат А.Барликбаев ҳамда К.Раимбековлар, судланган
ХХХХХнинг ҳимоячиси адвокат Н.Сапарниязов томонидан келтирилган
шикоятларига асосан жиноят ишини очик суд мажлисида, тафтиш тартибида
кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа тумани судининг 2025 йил
5 июндаги ҳукмига кўра,

1989 йил 25 апрелда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган,
ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 4 нафар фарзанди бор, олий
маълумотли, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани стандарт БХМ
бошлиғи бўлиб ишлаган, судланмаган, Эллиққалъа тумани,
“Сарабий” ОФЙ, Ўқитувчилар кўчаси, 37-уйда рўйхатда туриб,
Эллиққалъа тумани Бўстон шаҳри, “Иқбол” МФЙ, Сахинур
кўчаси, 11-уйда яшаган, бошқа жиноят иши бўйича ЖИБ Нукус
шаҳар судининг 06.05.2025 йилги ажрими билан қамоқ эҳтиёт
чораси қўлланилган ХХХХХ

жабрланувчи ХХХХХга оид эпизод бўйича Ўзбекистон Республикаси
ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноят
таркиби бўлмагани сабабли, жиноят ишининг ушбу айб эпизодлари бўйича
ЖПКнинг 83-моддасининг 1-бандига асосан айбсиз деб топилиб,
реабилитация этилиб оқланган.



XXXXXнинг ҳаракатларида жабрланувчи К.Сабуровга оид эпизод бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандларида эълон қилинган айблов ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 4 ва 5-бандларига асосан унинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилинмай туриб тугатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 2 йил банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.

Жазоси ушбу жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгиланиб, жазо ўташ муддати Эллиққалъа туман ИИБ пробация гуруҳида рўйхатга олинган кундан ҳисобланиши белгиланган.

XXXXXга нисбатан жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2025 йил 6 майдаги ажрими билан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилгани инобатга олинган.

1985 йил 19 мартда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, оилали, 3 нафар фарзанди бор, олий маълумотли, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани стандарт БХМ пенсия ва нафақа тарқатиш бўйича бухгалтер назоратчиси бўлиб ишлаган, судланмаган, Эллиққалъа тумани, “Тулдурсин” ОФЙ, Қумбосган кўчаси, 1-уйда яшаган XXXXX

жабрланувчи XXXXXга оид эпизод бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноят таркиби бўлмагани сабабли, жиноят ишининг ушбу айб эпизодлари бўйича ЖПКнинг 83-моддасининг 1-бандига асосан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилиб оқланган.

XXXXX Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил муддатга банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда иш ҳақининг 20 фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда жазоси тайинланган.

Жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин, жазо ўташ муддати XXXXX Эллиққалъа туман ИИБ пробация гуруҳида рўйхатга олинган кундан ҳисобланиши белгиланган.

Ҳуқм қонуний кучга киргач 2024 йил 17-18 декабрь кунларидаги тўлов патталарига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси депозит ҳисоб рақамига қўйилган жами 6.697.000 сўм пул маблағларини АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий марказининг ҳисоб рақамига ўтказилиши;

- 2024 йил 24 декабрдаги тўлов паттасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси депозит ҳисоб рақамига топширилган



жами 21.288.320 сўм пул маблағларини жабрланувчи XXXXXнинг фойдасига ўтказилиши;

- судланувчилар XXXXX ва XXXXXдан солидар тартибда жабрланувчи XXXXXнинг фойдасига етказилган зарарнинг қопланмасдан қолган қисми 121.680 сўм ундирилиши белгиланган.

Жабрланувчилар XXXXX ва XXXXXнинг ўзларига етказилган зарарлар судланувчи XXXXX томонидан тўлиқ қоплаб берилганлиги ҳақидаги аризалари инобатга олинган.

Иш бўйича “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖга етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинган.

XXXXX томонидан тақдим қилинган ашёвий далил 1 дона 2 GB ҳажмдаги “Samsung” номли флеш хотирасини жиноят иши ҳужжатларида сақланиши белгиланган.

Жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларга жиноят натижасида етказилган қўшимча моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаровий иш юритув тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2026 йил 21 январдаги ҳукми билан суд ҳукмининг XXXXX ва XXXXXларга оид қисми бекор қилиниб, янги айблов ҳукми чиқарилган.

Судланувчи XXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 2 йил муддатга банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиши жазоси тайинланиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари ЖКнинг 61-моддаси тартибида ҳар қайсиси алоҳида ижро эттирилиши, тайинланган жазо умумий тартибли колонияларида ўтаттирилиши, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2025 йил 6 майдаги ажрими билан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилгани инобатга олинган.

Жазони ўташ муддати 2025 йил 6 май кунидан бошлаб ҳисобланган.

XXXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 йил муддатга банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиши жазоси тайинланиб, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазолари ЖКнинг 61-моддаси тартибида ҳар қайсиси алоҳида ижро эттирилиши, жазо умумий тартибли колонияларида ўтаттирилиши, жазони ўташ муддати 2026 йил 21 январь кунидан бошлаб ҳисобланиши белгиланган.

Судланувчи XXXXX дарҳол суд залидан қамоққа олинган.

Тайинланган жазодан 23.06.2025 йилдан 21.01.2025 йилга қадар жами ўтаган 6 ой 28 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кун, озодликдан маҳрум қилиш жазосининг бир кунига тенглаштирилиб тайинланган



озодликдан маҳрум қилиш жазосидан чегирилиб, жами ўташ учун 4 йил 9 ой 21 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилган.

Жабрланувчи ХХХХХнинг фойдасига 398.000.000 сўм пуллар судланувчилар ХХХХХ ва ХХХХХлардан солидар тартибда ундириш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси 521³, 521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, судлов ҳайъати

А ж р и м қ и л д и:

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати кассация инстанциясининг 2026 йил 21 январь кунги ХХХХХ ва ХХХХХларга нисбатан чиқарилган ҳукми ўзгартирилсин.

ХХХХХга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил муддатга банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш йўли билан 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланган ХХХХХнинг 23.06.2025 йилдан 21.01.2026 йилга қадар ўтаган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинланган жазодан чегиришни, 2026 йил 21 январь кунидан 2026 йил 06 апрель кунига қадар қамоқда бўлган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблаб, ўташлик учун 9 ой 22 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ЖКнинг 61-моддаси тартибида ҳар қайсиси алоҳида ижро эттирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ушбу турдаги жазоларни назорат қилувчи органлар белгилаб берилган жойда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташликни назорат қилиш Эллиққалъа туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланган ХХХХХ озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ жойидан озод қилинсин.

ХХХХХ Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан 2 йил муддатга банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш йўли билан 2 йил 10 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Судланган ХХХХХнинг 06.05.2025 йилдан 06.04.2026 йилга қадар қамоқда бўлган ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига



тенглаштириб ҳисоблаб, ўташлик учун 1 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Тайинланган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишлари жазолари ЖКнинг 61-моддаси тартибида ҳар қайсиси алоҳида ижро эттирилсин.

Тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ушбу турдаги жазоларни назорат қилувчи органлар белгилаб берилган жойда ўтатирилсин, жазони ўташ муддати жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташликни назорат қилиш Эллиққалъа туман ИИБ пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланган XXXXXга нисбатан бошқа жиноят иши бўйича қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилганлиги инобатга олинсин.

Жабрланувчи XXXXXга 398.000.000 сўм моддий зарар ундирилганлиги инобатга олинсин.

Судланувчилар XXXXX ва XXXXXлардан солидар тартибда моддий зарар ундириш қисми чиқарилсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Судлар фаолиятини таъминлаш департаменти Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлимнинг 2340200300100001010 ҳисобварағига топширилган 121.680 сўмни жабрланувчи XXXXXга етказилган моддий зарарни қоплаш учун қаратилсин ҳамда суд ҳукмининг моддий зарар ундириш қисми чиқарилсин.

Шикоятлар қисман қаноатлантирилсин.

Раислик қилувчи

Ж.Уразбаев

Ҳайъат судьялари

Х.Бердикличев

П.Дошмуратов

Ҳукм нусхаси аслига тўғри _____

Ж.Уразбаев

